



Нүсбە шақри

Некіс қаласы

№ 243

« 10 » апрель 2018 ж.й

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 апрелдаги
«Баллиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир кўшимча чора-
тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3657-сонли қарори ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 апрелдаги
«Баллиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир кўшимча чора-
тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3657-сонли қарори ижросини таъминлаш
мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

КА Р О Р К И Л Д А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 апрелдаги
«Баллиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир кўшимча
чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3657-сонли қарори ижро учун
рақобатликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг маъқур қарори билан:
а) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ
хўжалиги вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш
ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси, Тошкент вилояти
хокимлиги ва «Ўзбекибалликсанонат» уюшмасининг Тошкент вилояти
Куйи Чирчиқ тумани хокимлигига суд қарори билан берилган мол-мулк
ва ер участкалари, шу жумладан, сув хавзалари негизда «Балиқ
ишлаб чиқарувчи» эркин иқтисодий зонасини (кейинги ўринларда
«Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ деб юритилди) ташкил этиш тўғрисидаги
тақлифлари маъқуллашганлиги;

б) Куйидагилар:

ишлаб чиқариш, сунъий сув хавзаларини бағликлантиришни
янада ривожлантириш ва бағлиқчилик хўжалиқларини таъминлаш
учун бағлиқнинг янги ва синалган турларини иқлимлаштириш орқали насли
бағлиқ чавоқларини яратиш;

наслидор бағлиқ личинкалари етиштирувчи замонавий инкубацион
цех фаолиятини ташкил этиш, бағлиқ чавоқларини ишлаб чиқариш
ҳажмини ошириш, маъжуд бағлиқ чавоқларини етиштирувчи сув хавзаларини
модернизация қилиш ва қайта таъмирлаш;

ўз эхтиёжи ва бағлиқчилик хўжалиқлари учун тўла қийматли
ва юқори оқсилли озуқаларни ишлаб чиқариш бўйича замонавий қувватларни
яратиш орқали озуқа базасини мустаҳкамлаш, дон ва дон экинларини
экиш йўли билан бугдой ва соғта бўлган ўз эхтиёжларини қондириш;

инновацион ва замонавий интенсив технологияларни кенг жорий
қилиш, шу жумладан, кафас (садоқ) усулида, ёпик сув айланма тизими
қурилмаларида бағлиқ етиштириш ҳамда сунъий сув хавзалари
хосилдорлигини ошириш ҳисобига бағлиқ овлаш ҳажмларини кўпайтириш;

биринчи навбатда, аҳоли эхтиёжларини қондириш, шунингдек,
кейинчалик кўшни мамлакатларга экспорт қилиш учун бағлиқларни қайта
ишлаш ва бағлиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш (консерва, икра, бағлиқ уни
ва бошқалар) бўйича замонавий комплексларни ташкил этиш;

сувнинг гидрохимёвий таркибини лаборатория усулида таҳлил
қилиш, бағлиқларни касалликлардан химоя қилиш, шунингдек, бағлиқ
касаллиқларини аниқлаш, уларни даволаш чораларини кўриш;

бағлиқ етиштириш, овлаш ва қайта ишлаш жараёнида инновацион
ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот
ишларини, шунингдек, мутахассислик йўналиши бўйича таҳсил олувчи
таълим муассасалари талабалари учун бағлиқчилик тармоғида амалиёт
ўташни ташкил этиш «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗнинг асосий вазифалари
этиб белгиланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография
ва давлат кадастри давлат кўмитасига Тошкент вилояти хокимлиги
ва «Ўзбекибалликсанонат» уюшмаси билан биргалликда бир ой муддатда
«Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ таркибидagi ер участкаларининг
чегараларини аниқ белгилаш топширилганлиги;

в) Куйидагилар:

«Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗнинг фаолият кўрсатиш муддати
кейинчалик узайтириш имконияти билан 30 йилни ташкил этиши;

фаолият кўрсатиш муддати мобайнида «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ
хуудидa алоҳида соғлиқ, божхона ва валютa режимлари амал қилиши;

«Балик ишлаб чиқарувчи» ЭИЗнинг фаолияти Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши томонидан мувофиқлаштирилиши;

«Балик ишлаб чиқарувчи» ЭИЗнинг оператив бошқарув органи Дирекция хисобланиши;

Дирекциянинг фаолиятидан тушган даромадлар ва конун ҳужжатлари билан таққиланмаган бошқа манбаълар унинг фаолиятини молиялаштириш манбаълари хисобланиши;

Дирекцияни «Ўзбекбаликсаноат» уюшмаси раиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод этиладиган директор бошқариши;

Дирекция Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши қарорлари ва «Балик ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ томонидан ишлаб чиқилган бош режалари бўйича маъқулланган инвестиция лойиҳаларини жойлаштиради ва «ягона дарча» тамойили бўйича муҳандислик-телекоммуникация инфратузилмаси тармоқларига уланишга барча зарур руҳсатномадар берилишини ташкил қилиши;

Дирекция бутун фаолият кўрсатиш даврида солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилиниши;

Тошкент вилояти ҳокимлиги бир ой муддатда Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимлигига суд қарори билан берилган мол-мулк, ер участкалари, шу жумладан, сув хавзаларининг Дирекцияга топширилишини таъминлаш белгилаб қўйилганлиги;

г) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бир ой муддатда Дирекция фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиш топширилганлиги;

д) «Балик ишлаб чиқарувчи» ЭИЗ иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сон «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг 3, 4 ва 5-бандлари амал қилиниши татбиқ этилиши;

е) Балиқчилик тармоғини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ҳўмон ҳўжалиги давлат кўмитаси балансида бўлган табиий сув хавзалари доимий равишда алоҳида фойдаланиш учун «Ўзбекбаликсаноат» уюшмасига берилганлиги;

табиий сув хавзаларининг ижара тўловларидан келиб тушган маблаглар тўлик ҳажмда «Ўзбекбаликсаноат» уюшмасининг Балиқчиликни ривожлантириш жамғармасига йўналтирилиши белгиланганлиги;

ё) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарор лойиҳасини қирғишда вазирлик марказий аппарати тўзилмаси тарқибда 5 нафар штат бирлигидан кам бўлмаган Балиқчиликни ривожлантириш бошқармаси ташкил этиш, шу жумладан, ушбу бошқармага «Ўзбекбаликсаноат» уюшмасининг олдида қўйилган вазифаларни амалга оширишда ҳар томонлама кўмаклашиш вазифасини юқлашни назарда тутиш;

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида балиқчилик соҳаси йўналишларида бакалаврларни тайёрлаш бўйича қабул квотасини камида икки баравар оширишни кўзда тутиш;

Тошкент давлат аграр университетига 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб «Балиқчилик» йўналиши бўйича камида 6 нафардан иборат магистратура курсини ташкил этиш топширилганлиги;

ж) Қўйидагилар:

кимматли балиқ турлари ва чавоқларини интенсив етиштириш учун питомник ва наслчилик ишларини давлат-хўсусий шериклик шартларида тақомиллаштириш;

Балиқ маҳсулотларини (консерва, икра, балиқ уни ва бошқалар) ишлаб чиқаришни кенгайтириш;

аквакультурани ривожлантириш, ер ва сув ресурсларидан самарали ҳамда оқилгона фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

Балиқчилик тармоғидаги илмий-тадқиқот ишларини янада ривожлантириш;

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг маљақасини оширишни тақомиллаштириш;

Балиқчилик тармоғида экспорт салоҳиятини ошириш;

Балиқчиликни ривожлантириш учун озуқа базасини кўпайтириш, балиқ истеъмол қилиш маданиятини, шунингдек, «Ўзбекбаликсаноат» уюшмасининг балиқчилик соҳасини бошқариш ва мувофиқлаштиришдаги ролини янада ошириш;

Баллиқчилик хўжалиқларининг моддий-техник таъминотини мустақамлаш учун шароитлар яратилга йўналтирилган Республикада 2018-2023 йилларда баллиқчилик соҳасини жадал инновацион ривожлантиришга доир чора-тадбирлар дастури иловата мувофиқ тасдиқланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

Дастурнинг ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлаш бўйича вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлигини ва уларнинг фаолияти мувофиқлаштирилганини;

ҳар ойда Дастурнинг бажариллиши танқидий кўриб чиқилишини ва мавжуд муаммоларни самарали ҳал этиш чоралари кўрилишини таъминлаш топширилганлиги;

3) Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геология, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси «Ўзбекбаликсаноат» уюшмаси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 ноябрга қадар муддатда:

ер ва сув хавзаларидан мақсадга номувофиқ фойдаланаётган табиий ва сунъий сув хавзаларини ҳатловдан ўтказиш ҳамда уларни товар баликлар ва баллиқ чавокларини етиштиришга жалб қилиш чоралари кўрилишини;

баллиқчилик хўжалиқлари сунъий ва табиий сув хавзаларининг унумдорлигини кадастр жихатдан баҳолаган ҳолда ягона реестр яратилишини таъминлаш топширилганлиги;

и) Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Кишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси, «Ўзбекбаликсаноат» уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Тошкент ва Фарғона вилоятларида баллиқчилик хўжалиқларига ихтиопатологик хизмат кўрсатиш учун лабораториялар ташкил этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилганлиги;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Бухоро, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳокимлиқларига 2019 йил 1 майга қадар муддатда лабораторияларнинг тўлиқ фаолият юритиши, замонавий ускуналар билан жиҳозланиши ҳамда маалакали кадрлар билан тўлдирилишини таъминлаш топширилганлиги;

к) «Ўзбекбаликсаноат» уюшмасига ҳузурда баллиқчилик маданиятини ривожлантиришнинг долзарб масалаларини камраб олувчи, шу жумладан, миглий ва хорижий илмий ва амалий инновацион ютуқларни, янгидан бошловчи ва фаолият юритиб келаётган баллиқчилик учун баллиқ етиштириш технологияларини тўғри ташкил этиш ҳамда мамлакат ичида ва ундан ташқарисида содир бўлаётган баллиқчилик соҳасидаги муҳим воқеаларни ёритиб борувчи «Балиқчилик» журнали таъсис этиш топширилганлиги;

л) «Ипотека-банк» АТБга баллиқ чавокларини етиштирувчи сув хавзалари ва инкубация цехларини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолият юритилишини таъминлаш, баллиқ етиштиришнинг замонавий технологиялари ва усулларини жорий этиш, экспортга йўналтирилган ва рақобатбардош баллиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича технологик жараёнларни босқинча-босқич шакллантириш учун Дирекцияга беш йил муддатга, икки йил имтиёзли давр билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси миқдоридан ошмайдиган кредитлар бериш тавсия этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар бўйича кўмитаси, «Қорақалпоқ балликсаноат» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикасида баллиқчилик хўжалиқларига ихтиопатологик хизмат кўрсатиш учун лабораториялар ташкил этиш;

«Қарақалпоқбаликсаноат» МЧЖ билан биргаликда 2019 йил 1 майга қадар муддатда лабораторияларнинг тўлиқ фаолият юритиши, замонавий ускуналар билан жиҳозланиши ҳамда маалакали кадрлар билан тўлдирилишини таъминласин.

4. Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тегишли вазирлик, кўмита ва ташкилотлар, туманлар ҳокимлиқлари билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажариллигини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси

К.Сариев